

(бюджет ташкилотлари, муассасалар ва юридик шахс)лар учун суюқ маиший чиқиндилар (С.М.Ч.) ни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш
ШАРТНОМАСИ № 8

«27» январь 2022 йил

Когон шаҳар

Бундан буён матнда "Бажарувчи" деб аталувчи жамият Низоми асосида фаолият олиб боровчи "DXSH ANOLITRANS" UK номидан директор М.Саидов бир томондан ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритувчи корхона Низоми асосида фаолият олиб боровчи __Когон туман МТБ номидан раҳбар _З.Ж.Кахорова иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. "Хизматлар"ни кўрсатиш муддати 2022 йил 31 декабргача амалга оширилади

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир (тонна ёки метр куб) СМЧ учун ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда _69000 (Олтимиш туккиз минг)сўм.

2.2 Шартнома бўйича жами $94,2 * 69000 = 6499800$ (Олти миллион турт юз туксон туккиз минг саккиз юз)сум

2.3 "Буюртмачи" хизмат кўрсатиш учун олинган автомашиналарга шартнома имзоланган кунда 50% олдиндан тўловни амалга оширади. Қолган 50% тўловни 10 иш кунда амалга ошириши шарт, ва Кейинги 5 санасидан кечиктирмасдан тўлаб бериши лозим.

2.4 Амалдаги қонунчиликка асосан нарх наво ўзгарган тақдирда, шартномада белгиланган тўловлар ўзгартирилади.

3. "Буюртмачи" мажбуриятлари

3.1 Суюқ маиший чиқиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чиқиб кетиш ҳажмига биноан туловларни амалга оширади

3.2 СМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, ҳамда олиб чиқилган суюқ чиқинди миқдорини "Бажарувчи" га юк қогозида тасдиқлаб бериши лозим.

3.3 Бажарилган ишнинг ҳажмини "Бажарувчи" нинг ҳужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.4 Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш.

4. "Бажарувчи" нинг мажбуриятлари

4.1 "Бажарувчи" "Буюртмачи" томонидан бажариладиган ишлар учун хизмат курсатадиган автомашина давлат раками, маркаси ҳамда унинг ёкилги истеъмол даражаси тугрисидаги маълумотни такдим қилади

4.2 "Бажарувчи" мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ҳақидаги «Буюртмачи» нинг огоҳдантирув хатига 10 (ун) кунлик муддат ичида жавоб бериш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.3 "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5 % миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган миқдорда "Бажарувчи" га пеня тўлайди.

5.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иқтисодий судлар томонидан ҳал қилинади.

6.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб раками ўзгарган тақдирда ҳамда СМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3 Шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган СМЧнинг ҳажми “Буюртмачи” нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Бажарувчи” нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, “Буюртмачи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

7. Форс-мажор.

7.1 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

8. Шартноманинг муддати

8.1 Мазкур шартнома ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга, тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3 Мазкур шартнома «31» декабр 2022 йилга қадар амал қилади ва шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан мавжуд бўлади ва бир хил ҳуқуқий кучга эга.

8.4 Шартнома имзоланган кундан бошлаб амал қилади ва томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар кучда бўлади.

9. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари

"Бажарувчи"

“DXSH ANOLITRANS” UK

Манзил: Когон туман Беклар МФЙ

Тел./факс 65.228-10-28


Х/р 2020 8000 1053 2113 7001

АТ Халқ Банк Бухоро вилоят филиали

МФО 00116, ИНН 308 026 435, ОКЭД 38110

Ҳўйхатдан ўтиш коди:

ККС 306090106936

Раҳбар:  М.Саидов

М.Ў

Юрист: _____

“Буюртмачи” Когон туман МТБ

Манзил: Когон шаҳар Коровулбозор шох куч №5уй

Х/р 100022860062197091100251012

МББ ХККМ Тошкент ш банк

МФО 00014 ИНН 305159683_

ОКЭД: 92400

Раҳбар:  З.Ж.Кахорова

(Ф.И.Ш)

М.Ў





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,
tel.: (998 91 447-40-70), el.pochta: kogonturmarkaz@adliya.uz

2022-yil 28-yanvar

Kogon tumani Maktabgacha ta'lim bo'limiga

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA

1.Loyihaning turi:Shartnoma.

2.Loyihaning nomi.

Kogon tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi hamda "Qudratov Sherzod D" MCHJ o'rtasida tuzilgan №6-sonli oldi-sotdi shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Kogon tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 28-yanvar 2022-yilda markazga kiritilgan.

Loyiha "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 670-I-sonli qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Kogon tuman Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



Sh.Sharipov